

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК СОҲАСИДАГИ ХУҚУҚБУЗАРЛИККА ҚАРШИ КУРАШДА ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ИШТИРОКИ

Зафар Тошев

Судьялар Олий мактаби

таянч-докторанти

АННОТАЦИЯ

Мақолада интеллектуал мулкнинг иқтисодийдаги ўрни, интеллектуал мулк соҳасидаги жиноятлар хусусияти, таснифи, халқаро универсал ташкилотларнинг соҳага оид ҳамкорлиги йўналишлари, ушбу соҳадаги хорижий тажриба баён қилинган.

Калит сўзлар: интеллектуал мулк ҳуқуқи, ҳуқуқбузарлик, халқаро жиноят, трасмиллий жиноятлар, халқаро шартнома, халқаро ташкилотлар, халқаро ҳамкорлик.

УЧАСТИЕ МЕЖДУНАРОДНЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ В БОРЬБЕ С ПРАВОНАРУШЕНИЯМИ В СФЕРЕ ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНОЙ СОБСТВЕННОСТИ

Зафар Тошев

Базовый-докторант

Высшей школы судей

АННОТАЦИЯ

В статье рассматривается роль интеллектуальной собственности в экономике, сущность и классификация преступлений в сфере интеллектуальной собственности, направления сотрудничества международных универсальных организаций в данной сфере, зарубежный опыт в этой сфере.

Ключевые слова: право интеллектуальной собственности, нарушение, международное преступление, транснациональные преступления, международный договор, международные организации, международное сотрудничество.

PARTICIPATION OF INTERNATIONAL ORGANIZATIONS IN THE FIGHT AGAINST INTELLECTUAL PROPERTY OFFENSES

Zafar Toshev

basic-doctoral student

High school of judges

ANNOTATION

The article discusses the role of intellectual property in the economy, the nature and classification of crimes in the field of intellectual property, the direction of cooperation of international universal organizations in this area, foreign experience in this area.

<https://conferencea.org>

Key words: intellectual property right, infringement, international crime, transnational crimes, international treaty, international organizations, international cooperation.

Бугунги кунда халқаро интеграциялашув ва глобаллашув жараёнларида халқаро ва халқаро характердаги жиноятчиликка қарши курашда халқаро ҳамкорликнинг механизмларини яратиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки, ушбу турдаги жиноятлар муайян давлат ҳудудида бошланиб, иккинчи давлатда тугайди ёки халқаро ҳамжаҳият учун ижтимоий, иқтисодий хавф келтириб чиқаради. Масалан, интеллектуал фаолият натижасига бўлган ҳуқуққа қарши жиноятчилик соҳасидаги интеллектуал мулк қароқчилиги ҳамда контрафакт маҳсулотларни ишлаб чиқариш, бир томондан, давлатларнинг иқтисодий манфаатларига, иккинчи томондан эса, инсоннинг соғлигига (контрафакт фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва тарқатиш) реал ҳавф келтириб чиқаради.

Агар, ушбу жиноятчилик соҳасидаги иқтисодий кўрсаткичларга назар ташланса, ушбу ижтимоий хавфли қилмиш натижасида жаҳон ҳамжамияти катта миқдорда зарар кўраётганига гувоҳ бўлиш мумкин. Бугунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан тақдим этилган статистик маълумотларга кўра, контрафакт маҳсулотларнинг халқаро савдо айланмасидаги улуши 5 фоиздан 8 фоизгача ташкил қилади. Ушбу кўрсаткич Америка Қўшма Штатларида 10 фоизни ташкил этади. Бундан кўриниб турибдики, интеллектуал мулк катта даромад манбаи ҳисобланади.

Интеллектуал мулк соҳасидаги жиноятчилик бўйича Европа давлатларидаги аҳволга назар ташланадиган бўлса, бу ерда ҳам вазият олдинги йиллардагига нисбатан салбий томонга ўзгарганлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Масалан, British Software Alliance ташкилотининг 2008-2009 йиллар учун тақдим этилган интеллектуал мулкка оид жиноятчилик бўйича йиллик ҳисоботида кўра, қароқчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва тарқатиш Европа мамлакатларида 2006 йилда 35 фоизни ташкил этиб, ундан кўрилган зарар 39,698 миллиард АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2007 йилга келиб қароқчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва тарқатиш 38 фоизни ташкил этиб, ундан кўрилган зарар 47,809 миллиард АҚШ доларини ташкил қилган.¹ Бундан салбий кўрсаткич 2022 йилгача ҳам сақланиб қолмоқда. Шунга кўра айтиш мумкинки, интеллектуал мулк соҳасидаги жиноятчиликка қарши курашда халқаро ҳамкорлик бугунги куннинг энг муҳим талабига айланди.

Интеллектуал фаолият натижасига бўлган ҳуқуққа қарши жиноятчилик билан курашдаги ҳамкорлик қўйидаги асосий шаклларда амалга оширилади:

¹ Fifth annual BSA and IDS Global Software Piracy Study, May 2008/
http://global.bsa.org/idsglobalstudy2007/studies/2007_global_piracy_study.pdf/ 2022.

<https://conferencea.org>

интеллектуал фаолият натижасига бўлган ҳуқуққа қарши жиноятчилик билан курашни давлатлар ўртасида бевосита икки томонлама шартномалар тузиш ва икки томонлама ҳамкорликни йўлга қўйиш орқали;

интеллектуал фаолият натижасига бўлган ҳуқуққа қарши жиноятчилик билан курашни халқаро ташкилотларга аъзо бўлиш ва улар томонидан қабул қилинган халқаро шартномаларга қўшилиш орқали;

интеллектуал фаолият натижасига бўлган ҳуқуққа қарши жиноятчилик билан курашни халқаро ташкилотлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик орқали.

Бугунги кунда интеллектуал мулк соҳасидаги жиноятчиликка қарши кураш соҳасида Халқаро полиция ташкилоти (Интерпол) ва Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (БИМТ) ўртасидаги ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этади. Ушбу ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорлик бу икки ташкилот ўртасида 2004 йил 6 сентябрда тузилган “Халқаро полиция ташкилоти ва Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти ўртасида ўзаро ҳамкорлик битими” асосида амалга оширилади.²

Мазкур Битим муқаддима ва 6 моддадан иборат бўлиб, ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларини ташкилий ва ҳуқуқий жиҳатдан мувофиқлаштириб боради. Муқаддимада шартноманинг асосий мақсадлари ва томонлар ўртасидаги ҳамкорликнинг умумий жиҳатларига тўхталиб ўтилган. Шу билан бирга шартноманинг ушбу қисмида икки томоннинг интеллектуал мулк соҳасидаги жиноятчиликка қарши курашда ихтиёрий ҳамкорлиги ҳам айтиб ўтилган.

Шартноманинг 1-моддасига кўра Интерпол ва БИМТ интеллектуал фаолият натижасига бўлган ҳуқуққа қарши жиноятчиликка қарши курашдаги фаолиятни мувофиқлаштириш ҳамда асосий мақсад ва вазифаларни самарали амалга ошириш мақсадида ўзаро маслаҳат ўтказиш мажбуриятини оладилар. Бундан ташқари томонлар самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида интеллектуал фаолият натижасига бўлган ҳуқуқ соҳасидаги жиноятчиликка қарши кураш масаласида ишлаб чиқилган дастурда ўзгартиришлар киритилган тақдирда иккинчи томонни бу ҳақда хабардор қилиш мажбуриятини ҳам оладилар.

Ўзаро ҳамкорлик соҳасидаги масалалар бўйича консултациялар Интерпол ва БИМТ вакилларининг учрашуви даражасидаги тадбир кўринишида ўтказилади. Шартномага кўра, Интерпол ҳамда БИМТ интеллектуал фаолият натижасига бўлган ҳуқуқни ҳимоя қилиш ва интеллектуал фаолият натижасига қарши қаратилган жиноятчилик билан курашнинг самарали маҳанизмини яратиш мақсадида, ушбу соҳага доир ахборотларни ўзаро алмашиниш вазифасини оладилар. Ўзаро ахборот алмашиниш жараёнида томонлар ахборотнинг конфиденциаллигини таъминлаш мақсадида, ўзаро манфаатлар

² file:///C:/Users/HP/Downloads/INTERPOL-WIPO.pdf. 2022.

доирасидаги ахборот ва ҳужжатлар алмашишнинг оперативлигини таъминлаш учун зарур бўлган барча шарт-шароитни яратадилар.³

БИМТ Интерполдан тегишли ахборотни олишда ҳамда ундан фойдаланишда Интерполнинг ички тартиб қоидаларига тўлиқ риоя қилади, айти пайтда Интерпол ҳам БИМТдан интеллектуал фаолият натижасига бўлган ҳуқуққа қарши жиноятчилик билан кураш масаласидаги маълумотни олиш ва ундан фойдаланишда БИМТнинг барча ички тартиб қоидаларига риоя қилади.

Томонлар ўзаро ҳамкорликни самарали амалга ошириш мақсадида ўзаро вакил ва кузатувчи алмашиши мумкин, бунда томонлардан бири иккинчисининг фаолиятига муайян масала доирасидаги қарор қабул қилишда овоз бериш ҳуқуқидан тийилган ҳолда фақатгина кузатувчи сифатида иштирок этиш мумкин.

БИМТнинг бош директори ва Интерполнинг Бош котиби ўзаро ҳамкорлик тўғрисида битимда кўрсатилган қоидаларни самарали ижро этилишини таъминлаш мақсадида иккинчи томонда мувофиқлаштирувчи марказ сифатида ўз вакилини тайинлаши мумкин. Бундан ташқари, Иетерпол БИМТга интеллектуал фаолият натижасига бўлган ҳуқуққа қарши жиноятчилик билан халқаро даражада курашда кўмаклашиш мақсадида ташкилот доирасида махсус институционал тузилмалар ташкил этди ва бир қатор халқаро ҳукумат ташкилотлари, халқаро ноҳукумат ташкилотлар, иқтисодий гуруҳлар ҳамда интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш тузилмалари билан халқаро ҳамкорликни йўлга қўйди.

Интеллектуал фаолият натижасига бўлган ҳуқуққа қарши жиноятчиликка қарши кураш соҳасида Интерпол қуйидаги халқаро тузилмалар билан ҳамкорлик қилади:

1. Ҳукуматлараро халқаро тузилмалар:

Бутунжаҳон Божхона ташкилоти (WCO);

БИМТ (WIPO);

2. Саноат гуруҳлари ва интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш бўйича ташкилий тузилмалар:

Интеллектуал мулк ҳуқуқи коалицияси;

Глобал Анти-контрафакт гуруҳи;

Халқаро Савдо палатаси, BASCAP;

Фонография Саноати халқаро федерацияси;

Халқаро Товар белгилари ассосацияси;

Фармацевтика Хавфсизлиги институти ва бошқалар.

Интерпол интеллектуал мулк жиноятчилигига қарши курашни самарали амалга ошириш мақсадида ушбу турдаги жиноятларга қарши кураш бўйича ўз ташкилий

³ Халқаро полиция ташкилоти ва Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти ўртасида ўзаро ҳамкорлик битими/2004 йил 6 сентябр/1-модда

<https://conferencea.org>

дастурини ишлаб чиққан. 2000 йилнинг октябрида Интерпол интеллектуал фаолият натижаси соҳасидаги жиноятларни ўзининг фаолият объектига кўшди. Интеллектуал фаолият натижаси соҳасидаги жиноятларнинг ушбу ташкилотнинг фаолият объекти доирасига киритилиши ушбу жиноятларга трансмиллий жиноятлар тусини берди, десак янглишмаган бўламиз.

Интерпол интеллектуал фаолият натижасига оид жиноятларга қарши курашнинг ташкилий асосини яратиш мақсадида ташкилот қошида Интерполнинг Интеллектуал мулк ҳаракати гуруҳини (IPCSAG) таъсис этди. IPCSAG гуруҳининг таркиби давлатлар, халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар, хусусий ишлаб чиқариш секторлари ҳамда патент ҳуқуқини ҳимоя қилишга ихтисослашган муассасаларининг вакилларидан иборат бўлади.

IPCSAG Интерполнинг таркибий тузилмаси сифатида унга интеллектуал мулк трансмиллий жиноятчилигига қарши кураш бўйича стратегик дастурлар ишлаб чиқиш ҳамда амалиётда татбиқ этишга ёрдам беради.

Интерпол интеллектуал фаолият натижаси соҳасидаги трансмиллий жиноятчиликка қарши масалалари бўйича ўз дастурини ишлаб чиққан бўлиб, ушбу дастур куйидаги асосий мақсад ва вазифаларни ўз ичига олади:

интеллектуал фаолият натижаси соҳасидаги трансмиллий жиноятчиликка қарши стратегик дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда ривожлантириш;

интеллектуал мулк жиноятчилигига қарши кураш соҳасидаги самарали ахборот алмашилиш механизмини яратиш мақсадида Халқаро интеллектуал мулк жиноятчилиги ахборот баъзаси (DIP)ни яратиш;

интеллектуал мулк трансмиллий жиноятчилигига қарши курашиш мақсадида миллий ва минтақавий қонунчиликни ривожлантириш;

интеллектуал мулк трансмиллий жиноятчилигига қарши курашда муҳим ўрин тутишини ҳисобга олиб полиция ходимларининг ушбу соҳага доир малакасини ошириш;

интеллектуал мулк трансмиллий жиноятчилигига қарши кураш самарадорлигини ошириш мақсадида ушбу жиноятчилик соҳасида операциялар салмоғини ошириш;

интеллектуал мулк трансмиллий жиноятчилигига курашда полиция ходимларига кўмак бериш ва бошқалар.

Г.Худайбердиева таъкидлаганидек, ҳуқуқни қўллаш амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, бу борадаги қонунчиликни такомиллаштиришда миллий ва халқаро тажрибаларни таҳлил қилган ҳолда зарур янги нормаларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилишга эҳтиёж

бор.⁴ Хорижий амалиёт мамлакатимиз қонунчилиги ривожланишига ижобий таъсир этиши билан бирга, амалдаги қонунчиликни тўғри қўллашга ҳам ёрдам беради.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки бугунда, XXI аср-ахборот технологиялари асрида, интелектуал мулк жиноятчилигига қарши кураш бўйича халқаро, минтақавий ҳамда миллий тузилмалар салмоғини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Чунки интелектуал мулк трансмиллий жиноятчилиги бугунги куннинг халқаро ҳамжамият олдидаги энг муҳим масаласига айланмоқда. Фикримизча, интелектуал мулк соҳасидаги жиноятчилик масалалари бўйича ўқув-семинарларни кўпайтириш аҳамиятга молик иш бўлар эди. Чунки, Ўзбекистон Республикасида ҳам интелектуал мулк институти тез суръатлар билан ривожланиб бормоқда, бу эса ўз навбатида ушбу соҳада тизимли янгилашларни тақозо этади.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Fifth annual BSA and IDS Global Software Piracy Study, May 2008/
http://global.bsa.org/idsglobalstudy2007/studies/2007_global_piracy_study.pdf/ 2022.
2. File:///C:/Users/HP/Downloads/INTERPOL-WIPO.pdf. 2022.
3. Халқаро полиция ташкилоти ва Бутунжаҳон интелектуал мулк ташкилоти ўртасида ўзаро ҳамкорлик битими/2004 йил 6 сентябр/1-модда.
4. Gulnora Khudaiberdieva. MAIN DIRECTIONS OF THE STATE LEGAL
5. POLICY FOR THE PROTECTION OF INTELLECTUAL PROPERTY IN UZBEKISTAN WEB OF SCIENTIST: INTERNATIONAL SCIENTIFIC RESEARCH JOURNAL. ISSN: 2776-0979, Volume 3, Issue 8, Aug., 2022. -P. 553.

⁴ Gulnora Khudaiberdieva. MAIN DIRECTIONS OF THE STATE LEGAL POLICY FOR THE PROTECTION OF INTELLECTUAL PROPERTY IN UZBEKISTAN WEB OF SCIENTIST: INTERNATIONAL SCIENTIFIC RESEARCH JOURNAL. ISSN: 2776-0979, Volume 3, Issue 8, Aug., 2022. -P.553